



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ, ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИНГ БОШҚА ОРГАНЛАРИ ВА ХЎЖАЛИК БИРЛАШМАЛАРИ РАХБАРЛАРИ ЎРИНБОСАРЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги беш йилда республикада вазириликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқаруви бўшқа органлари ва хўжалик бирлашмалари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, уларнинг вазифалари, ваколатлари ва жавобгарлик соҳаларини аниқ белгилаш бўйича кенг қўламли комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бир қаторда, тармоқлар ва ҳудудларда ишларнинг ҳаққоний ҳолатини чуқур ҳамда ҳар томонлама танқидий ўрганиш вазириликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқаруви бўшқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарлари зиммасига юкланган функционал вазифаларни лозим даражада ҳамда масъулият билан бажариш борасидаги шахсий жавобгарлигини кучайтириш билан боғлиқ бир қатор жиддий камчиликлар ва тизимли муаммолар мавжудлигини кўрсатади.

Мамлакатимиз тараққиётининг замонавий босқичида янги Ўзбекистонни барпо этиш учун амалга оширилаётган шиддатли ва кенг қўламли ислоҳотлар жараёнида мамлакатимиз олдида турган устувор, стратегик ва долзарб вазифаларни тезкор ҳал қилишда ва-

зириликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқаруви бўшқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини ошириш, вазифалари ва ваколатларини аниқ белгилаш, шунингдек, уларнинг фаолияти самарадорлиги ҳамда мақсадли вазифаларга эришилишининг асосий мезонлари орқали баҳолашнинг янги тизимини жорий этиш мақсадида:

1. Вазириликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқаруви бўшқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг эътибори уларга Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазириликлар Маҳкамасининг ҳужжатлари билан ҳамда ўзларининг биринчи раҳбарлари томонидан юклатилган вазифаларни бажаришда суҳбатчилик, сансалорликка йўл қўйиб бўлмаслигига қаратилсин.

2. Белгилансинки, вазириликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқаруви бўшқа органлари (кейинги ўринларда — давлат бошқаруви органлари) ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарлари ўзига бириктирилган тармоқ ва соҳалардаги фаолиятининг

самарадорлиги ва натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикасининг Президенти олдида шахсан жавобгардир ҳамда Вазириликлар Маҳкамаси олдида ҳисобдордир.

3. Қуйидагиларни назарда тутувчи давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолиятини баҳолаш тизими жорий этилсин:

давлат бошқаруви органлари ва давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган хўжалик бирлашмалари (кейинги ўринларда — хўжалик бирлашмалари) раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонлари Вазириликлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланади;

ҳар йили ижро интизомининг аҳволи юзасидан баҳо беришни назарда тутган ҳолда давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти кўрсаткичлари давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмаларининг коллегия органлари томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади;

▶ Давоми 2-бетда

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

ҚУТЛУФ КУНГА ҚУТЛУФ ҚАРОР ВА ҚУТЛУФ ҚАДАМЛАР

Юртимизда Курбон хайити байрамига тайёргарлик арасида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Вазириликлар Маҳкамаси ҳузурдаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори катта мамнуният билан кутиб олинди.

Ушбу қарорга мувофиқ, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг “Учинчи Ренессанс — Янги Ўзбекистон” гоёсини кенг тарғиб қилувчи, мамлакат тарихининг янги юксалиш давридаги ютуқларини ялғим асосда ўрганувчи, уни кенг жамоатчиликка етказиб берувчи ҳамда моддий-маданий мерос намуналарини, ислом дини билан боғлиқ қадимий ва бой анъаналарни тарғиб қилувчи илмий-маърифий масканга айлантирилиши бу борадаги ишларда янги сифат кўрсаткичи бўлди.

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг бунёдкори ва гоёси муаллифи Президент Шавкат Мирзиёев ўтган йилларда бу ерга бир неча бор келиб,



Марказ биносини чиройли ва сифатли қилиб қуриш, дунё олимлари фикрини ўрганиб, мазмунини бойитиш бўйича курсатмалар берди. Жумладан, давлатимиз раҳбари "... бу ерга келишимдан мақсад — муқаддас динимизнинг эзгулик, инсонпарварлик дини эканини, маънавиятга, илмга ундашни, ота-боболаримиз бунга беқийс ҳисса қўшганини тасдиқловчи илмий натижаларни қуриш ва янги тадқиқотларга замин яратиш. Ҳозир маҳабатли бино қуриш осон бўлиб қолди. Мана, боболаримизга муносиб бино қурдик. Энди боболаримизга муносиб илмий муҳит яратишимиз керак", — деган эдилар.

Дарҳақиқат, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази буюк аждодларнинг

жаҳон тамаддуни, диний ва дунёвий илмлар ривожига қўшган ҳиссасини муқаддас ислом дини билан боғлиқ бой меросини илмий тадқиқ этишда энг замонавий инновацион усуллар ва воситалар орқали тарғиб қилиш ҳамда Ўзбекистонда содир бўлган умуммиллий юксалишлар, тарихий ренессансларнинг илдиэлари, жумладан, “Учинчи Ренессанс — Янги Ўзбекистон” гоёсининг асл мазмун-моҳиятини, хусусан, унинг илм-фан ривожини, динларро ва миллатларро бағрикенгликни таъминлашдаги роли ва аҳамиятини мамлакат аҳолиси, айниқса, ёшларга етказиш бўйича алоҳида ўрин тутди.

▶ Давоми 3-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИГА

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН КЎПРИКЛАРИ

манзилларни бир-бирига боғлаб, халқимизга қулайлик яратмоқда, шаҳарларимиз кўркига кўрк қўшмоқда

Бир неча йил аввал Нидерландиянинг Эйндховен, Велдховен ва Меерховен аҳоли пунктларининг туташ қисмида халқасимон шаклда қурилган “Hovenring” кўприги ҳақида мақола ёзгандим. Кўприкнинг расмини кўриб, лойиҳанинг ўзига хослиги ҳақида ўқиб, роса ҳайратланганман. Дунё мейморичилигининг юксак намуналаридан бўлган бу иншоот автомобиль ҳамда велосипедлар билан юзага келадиган тирбандликларни баргараф этишга хизмат қилиш баробарида, ноодатий кўриниши билан қисқа муддатда мамлакатнинг “ташриф қоғози”дан бирига айланишга ҳам улгурди. Шу ҳақда ёзар эканман, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти тимсолига айланган, ана шундай ноёб мейморий ечимга эга бир неча қаватли кўприклар мамлакатимизда ҳам қурилармикин, деган ҳавас ва ширин хаёлларга беихтиёр берилгандим ўшанда.

Хаёлларимнинг ҳаётдаги рўёби кўп ҳам куттирмади. Ўтган йили Президентимиз ташаббуси асосида ҳамда аҳоли талаб ва эҳтиёжи, пойтахтимизнинг келгуси ривожини инобатга олинган ҳолда, Тошкент шаҳрида Охангарон шоссеси ва Махтумқули кўчаси кесиммасида уч поғонали йўл ўтказгич барпо этилди. Ўзбекистон тарихидаги илк уч қаватли кўприкни қуриш ишлари 2018 йилда бошланган эди. Охангарон шоссеси Тошкент қалқа йўлининг бир қисми бўлиб, Махтумқули кўчасининг янги қисми битказилгач, ушбу йўлларда транспорт қатнови жадаллиги янада ортганди. Лойиҳа рўёбга чиққач, ҳайдовчиларга жуда катта қулайлик яратилди. Илгари бу чорраҳа соатига 7 минг автомашинани ўтказиш қувватига эга эди. Энди соатига 20 мингта транспорт воситасини узлуксиз ўтказиш имконияти пайдо бўлди.

▶ Давоми 4-бетда



ФАРМОНГА ШАРҲ

ЁШЛАРИНГ ЎЗ САЛОҲИЯТИ, ИҚТИДОРИНИ НАМОЁН ҚИЛИШИ УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИЛАДИ

Давлатимиз раҳбари жорий йил 13 июль кунин “Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонни имзолади.

▶ Давоми 5-бетда



МУНОСАБАТ

ҚЎШМА ТАДҚИҚОТ ВА ТАЖРИБА АЛМАШУВ ДАСТУРЛАРИ

ёшларнинг халқаро миқёсда амалиёт ўтаб, тажриба орттириш имкониятини оширади

Жорий йил 15-16 июль кунлари дунё оммавий ахборот воситалари нигоҳи юртимизда ўтган йирик тадбир — “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақадаги ўзаро боғлиқлик. Таҳдид ва имкониятлар” мавзудаги халқаро конференцияга қаратилди. Мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда 44 мамлакат ва 30 га яқин халқаро ташкилот делегациялари, нуфузли хорижий илмий-тадқиқот ва таҳлил марказлари раҳбарларининг иштироки муҳокама марказидаги мавзуларнинг барча учун долзарб эканини намоён этди.

▶ Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ**ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ, ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИНГ БОШҚА
ОРГАНЛАРИ ВА ХЎЖАЛИК БИРЛАШМАЛАРИ РАЎБАРЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИНГ
ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

Бошланиши 1-бетда

давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишини баҳолашнинг асосий мезонлари ва кўрсаткичлари статистик ва идоравий ҳисоботлар ҳамда таҳлилий маълумотлар асосида тизимли мониторинг қилинади;

мониторинг натижалари асосида раҳбарлар ўринбосарларининг фаолияти танқидий таҳлил асосида тегишли давлат бошқаруви органлари коллегиал органи ва хўжалик бирлашмаларининг кузатув кенгашиларида ҳамда Вазирлар Маҳкамасида ҳар чорак якуни бўйича муҳокама қилиб борилади;

Баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари асосида ҳар бир раҳбар ўринбосари фаолиятига баҳо бериш орқали уларга рағбатлантириш ёки интизомий жавобгарликка тортиш чоралари қўрилади.

Вазирлар Маҳкамаси:

бир ҳафта мuddатда давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонларини тасдиқласин;

давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарлари томонидан фаолият кўрсаткичлари ижроси бўйича ҳар ой оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, теле ва радио каналлар орқали ахборот берилишини таъминласин.

4. Белгилансинки, давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарлари фаолиятини баҳолаш тизими доирасида:

давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти кўрсаткичлари ҳар йил якуни бўйича кейинги йилнинг 10 январига қадар белгиланган тартибда тасдиқланган баҳолашнинг асосий мезонларига мувофиқ давлат бошқаруви органлари ҳамда хўжалик бирлашмаларининг коллегиал органлари томонидан ишлаб чиқилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринбосарлари ва маслаҳатчилари билан келишган ҳолда тасдиқланади;

давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарлари фаолияти ҳар чорак якуни бўйича коллегиал орган йиғилишида танқидий муҳокама қилинади ҳамда баҳоланади. Бунда, раҳбар ўринбосарлари томонидан фаолият кўрсаткичлари ижроси 70 фоиздан кам таъминланганда — “қонқарсиз”, 71 фоиздан 90 фоизгача — “қонқарли”, 91 фоиздан 99 фоизгача — “янги” ҳамда 100 фоиз ва undan юқори бўлганда “аъло” деб баҳоланади;

ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 5-санасига қадар давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмаларининг коллегиал органлари томонидан раҳбарнинг тегишли ўринбосарлари масъулияти юзасидан таклифлар тайёрланади ҳамда таҳлилий материаллар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари ва маслаҳатчиларига киритилади;

ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 10-санасига қадар Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари ва маслаҳатчилари тақдим этилган таҳлилий материаллари тегишли раҳбарлар ва уларнинг ўринбосарлари иштурикида танқидий муҳокама қилиб, ҳар бир раҳбар ўринбосари фаолияти шахсий баҳо берган ҳолда уларни рағбатлантириш чораларини ёки ўзига бириктирилган

соҳа ва тармоқларда асосий кўрсаткичларга эришишда масъулиятсизликка йўл қўйгани учун лавозимга лойиқлиги масаласини кўриб чиқади ҳамда бу тўғрисида аниқ таклифлар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Бош вазирга ҳисобот беради;

ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 15-санасига қадар давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарлари фаолиятини баҳолаш натижалари бўйича якуний таҳлилий материаллар, шу жумладан, уларни рағбатлантириш ёки интизомий чоралар қўллаш юзасидан аниқ таклифлар умумлаштирилиб, кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияга юборилади. Бунда заруратга қўриб, ўз фаолиятида тизимли камчиликларга йўл қўйиб келаётган раҳбар ўринбосарлари лавозимини қисқартирган ҳолда уларга юкланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш бўйича тегишли департамент фаолиятини ташкил этиш бўйича таклифлар киритилиши мумкин.

5. Раҳбарлар ўринбосарларининг фаолияти кўрсаткичлари ижроси устидан мониторингни амалга оширишда асосий эътибор қўйидаги тизимли ва устувор масалаларга қаратилсин:

а) иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида: макроиқтисодий барқарорлиқни, барқарор ва мутаносиб иқтисодий тараққиётни таъминлаш, иқтисодиёт тармоқларини комплекс ривожлантириш ва диверсификациялаш, шунингдек, “хуфёна” иқтисодиётга қарши курашиш ҳамда унинг улушини кескин қисқартириш;

янги иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолининг даромади топишга қаратилган тадбиркорлик интижишларини молиявий қўллаб-қувватлаш, аҳоли ва бизнес учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

ишбилармонлик муҳитини ва бизнес юритиш шарт-шароитларини янада яхшилаш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш механизмларини кенгайтириш, уларни зарур молиявий ва инфратузилмавий ресурслар билан таъминлаш ҳамда “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастурини изчил амалга ошириш;

инвестиция муҳитини яхшилаш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш, ажратилган капитал қуйилмаларини самарали ушатириш ҳамда иқтисодий ўсишни таъминлашда хизматлар соҳасини муҳим драйверга айлантириш;

саноатда экспортбоп ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ўсиши, импортни қисқартириш ҳамда ишлаб чиқаришнинг маҳаллийлаштириш орқали маҳсулот таннархини камайтириш;

қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш, шу жумладан, кластерлар фаолиятини ташкил этиш, қишлоқ хўжалигига замонавий, инновацион агротехнологияларни фаол қиритиш;

инновацион ишланмалар ва рақамли технологияларни жорий қилиш орқали меҳнат унумдорлигини ошириш;

б) ижтимоий соҳада: Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббусни ҳудудларда тўлақолини жорий этиш; таълим тизимини ривожлантириш, унинг сифати ва самарадорлигини ошириш, илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш;

давлат-хусусий шериклик шаклидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш ишларини жадаллаштириш ҳамда ушбу соҳага хусусий секторни кенроқ жалб

этиш орқали мактабгача таълим қамровини ошириш;

соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, тиббий хизматлар сифатини яхшилаш, туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникалари томонидан аҳолига янада сифатли тиббий хизматлар кўрсатиш қамровини кенгайтириш;

пенсияерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, қариялар ва кекса ёшдагиларга ҳар томонлама ғамхўрлик қилиш, фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш;

жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш ва спорт инфратузилмасини такомиллаштириш;

“Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган ҳар бир шахс билан индивидуал ва тизимли равишда мунтазам иш олиб боришни ташкил қилиш орқали аҳолининг, айниқса, моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилалар, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, уларнинг реал даромадларини ошириш;

ёшларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг бандлигига кўмаклашиш, тадбиркорлик гоа ва ташаббусларини рағбатлантириш, улар муносиб даромад олиши учун қўшимча шароитлар яратиш;

туризмни жадал ривожлантириш, таширф буюраётган хорижий ва маҳаллий туристлар оқимини қўлайитириш, янги туризм маҳсулотларини яратиш, туризм инфратузилмаси ва транспорт логистикани кенгайтириш;

иқтисодий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, аҳоли ўртасида маънавий-маърифий ва маданий тадбирларни ташкил этиш;

в) капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик соҳаларида:

аҳолининг турмуш шароитларини яхшилаш ва уларни муносиб турар жой билан таъминлаш ва фаровонлигини ошириш; капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси соҳасини жадал ривожлантириш, ижтимоий соҳа, уй-жой ва инфратузилма объектларининг сифатли қурилишини таъминлаш;

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида иқтисодий ва ижтимоий ривожланишда орқада қолаётган қишлоқ туманлари ва шаҳарларни комплекс ва жадал ривожлантириш;

аҳолининг сифатли коммунал хизматлар билан қамраб олиншини тубдан яхшилаш, кўп квартиралар уй-жой фондида фойдаланиш тизимини такомиллаштириш;

аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, оқова сув, ички хўжалик йўллари ва бошқа коммуникация тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш;

г) ишчи режалаштириш ва “темир интизом”га асосланган қатъий ижро интизомини таъминлаш соҳасида:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6166-сон фармонида асосан қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг барвақт ва сифатли ижросини таъминлаш, “темир интизом”га асосланган ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича яна ва узлуқсиз “технологик жанжир”нинг янги таъсирчан тизимини жорий этиш;

ҳудудларда “маҳаллабай” ишлаш тизимини жорий этиш орқали маҳаллий бошқарув ор-

ганларини аҳолига янада яқинлаштириш, аҳоли ва тадбиркорларнинг муаммоларини аниқлаш ҳамда уларни самарали ҳал этиш;

давлат органларида фаолиятга рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали улар фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини таъминлаш;

давлат ва ҳудудий ривожлантириш дастурларини, олий ва юқори даражалардаги таширфлар якунлари бўйича “йўл хариталари”, ҳудудларда иқтисодий, ижтимоий ва маъмурий ислохотларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажда амалга ошириш;

аҳоли билан ўзаро ҳамкорлик ва тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил қилиш, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини ўз вақтида ҳамда сифатли қўриб чиқишни таъминлаш;

хизмат сафарлари, шу жумладан, хорижий давлатларга сафарлар самарадорлиги ва натижадорлигини таъминлаш.

6. Вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, мониторинг қилиш ва самарадорлигини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низо иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари ва маслаҳатчилари ўз ваколатига киритилган тегишли йўналишлар ва масалалар бўйича давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари томонидан стратегик ва устувор вазифалар, тасдиқланган “йўл хариталари” ҳамда ўрта ва узоқ истиқболга мўлжалланган дастурларнинг самарали амалга оширилишида уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда ўзаро самарали ҳамкорлигини таъминлаш учун таъсирчан чоралар қўради;

давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари томонидан уларнинг ўринбосарлари фаолият кўрсаткичларини баҳолашнинг асосий мезонларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари ва маслаҳатчилари билан келишган ҳолда уларнинг олий шахсий иш режалари тасдиқлаб борилади.

8. Ўзбекистон Республикасидаги нодавлат нотижорат ташкилотларига раҳбар ўринбосарларининг фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонлари ва кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ҳамда уларнинг фаолиятига баҳо бериш бориш тизимини жорий этиш тавсия этилсин.

9. Давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари билан жорий этилаётган давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарлари фаолиятини самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳолаш тизими 2021 йил якунига қадар эксперимент тарзида амалга оширилсин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тарақиёт ва камбағалликни қисқарттириш вазир-

лиги 2022 йил 15 январга қадар давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмаларининг раҳбарлари ўринбосарлари фаолиятини баҳолаш жараёнини пухта таҳлил қилган ҳолда ушбу қарор билан жорий этилган тизимни янада такомиллаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига асослантирилган таклифларни киритсин.

11. Вазирлар Маҳкамаси ўтказилган эксперимент якунларига кўра 2022 йил 1 февралга қадар давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарлари фаолиятини самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳолашни ташкил этишда юзага келган муаммолар ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш, шунингдек, мазкур тизим самарадорлигини ошириш мақсадида уни такомиллаштириш юзасидан таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияга киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги:

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси билан биргаликда ҳар йили мунтазам равишда давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларини малакасини ошириш бўйича қисқа мuddатли курсларни ташкил этсин;

Ташқи ишлар вазирлиги, “Эп-норт умиди” жамғармаси билан биргаликда давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларини чет давлатларга ўз йўналиши бўйича қисқа мuddатли ўқиш ва тажриба орттиришга юбориш бўйича комплекс чораларни кўрсин.

13. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги икки ой мuddатда вазирликлар ва идоралар раҳбарияти фаолиятининг кўрсаткичларини баҳолашда инсон омилини камайтириш мақсадида асосий кўрсаткичлар бўйича маълумотларни автоматик тарзда таҳлил қилиш орқали мавжуд ҳолатни аниқлаш имконини берувчи махсус электрон платформани ишга туширсин.

14. Вазирлар Маҳкамаси икки ой мuddатда мазкур қарордан келиб чиққан ҳолда давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарларининг ҳар бир ўринбосари ваколатларини қайта қўриб чиқиб, уларнинг функционал вазифаларига ваколат ва жавобгарлик чегарасини аниқ белгилаш бўйича қарор лойиҳасини ишлаб чиқсин.

15. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга ҳамда раҳбар ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимининг жорий этилишига масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосарлари ва маслаҳатчилари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини А.Н.Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 1 октябр ва 2022 йил 15 январга қадар ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**Тошкент шаҳри,
2021 йил 22 июль**Ш. МИРЗИЁЕВ****ДИЛ ИЗҲОРИ****МЕН ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ БАХТЛИ ҲАМ ҲАҚИҚАТ
ҲАМ ҲАҚИҚАТ ҲАМ ҲАҚИҚАТ ҲАМ ҲАҚИҚАТ ҲАМ ҲАҚИҚАТ ҲАМ ҲАҚИҚАТ**

Менин 19 нафар ўғлим, 9 нафар қизим бор. Ажабланыспизми? Икки нафари ўзимнинг фарзандим. Қолганларнинг бари 14 ёшни қаршилаган ва қаршилайётган қорқуқ ўқувчиларим. Мана шу болажонларим, жонимнинг бўлақлари — шогирдларимнинг камolini кўрмоқлик олий мақсадим. Насиб қилса, бунга албатта, эришаман. Зеро, давлатимиз раҳбари томонидан устозларга берилаётган эътибор, уларнинг шарафланиши ва “Янги Ўзбекистон мактаб оstonасидан бошланади”, дея таъкидлагани мен каби устозларнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшди. Китобий тилда айтганда, денгиз тубидан то этти осмон қадар парвозга шай қанотлар бахш этди. Бугун ўқитувчиларга берилаётган кенг имкониятлар таълим сифати билан бирга, ўқитувчининг нуфузини оширишда ҳам муҳим омил бўлмоқда.

Президентимиз яқиндагина вилоятимизга таширфи давомида турли жабҳаларда бораётган иш жараёнлари билан танишиш, кўп жойларни бориб кўриш. Маҳаллаларда одамлар билан ҳамсуҳбат бўлди. Айниқса, “мен андижонликларни яхши кўраман, бу ердаги ҳамма ватанпарвар”, деган сўзларини эшитганимда қувончим ичimgа сиймай кетди ва давлатимиз раҳбарига: “Хурматли Президент, мен ўқитувчиман. Менин ўқувчиларим бобурийзода ўқувчилар. Ўзбекистон учун ниҳоятда кенглик ва жонқуяр инсонлар бўлиб етишади. Ўзбек акл-зиё брeндини бутун дунёга намoенг этади.

Ҳар қандай соҳанинг ўсиш нўқтасидан то маррага етгунга қадар бобурийзода ўқувчи-

ларим, бўлажак даҳоларим билан ёнингизда камарбастаман”, дедим. Шу сўзларим Президентимизнинг менга 3 зонали уй тўхта этишига сабаб бўлди. Энди айтинг-чи, қаерда кўргансиз фақат юксак режалари, ҳали амалга ошмаган мақсадлари учун бу қадар юксак тақдирланган устозини?! Бу тақдирлов мен ва оилам учун жуда катта хурсандчиликка сабаб бўлди. Худо хоҳласа, қўлимда таълим олаётган ўқувчиларим дунё минбарларида Ўзбекистон аталмиш юртнинг байроғини, шони ва шавкати тоғлардан-да юксакларга кўтаришига бор имкониятими, салоҳиятимни сафарбар этаман. Менин тиришқоқ ўқувчиларим сингари юр-



тимиздаги минглаб эртамиз эгалари нафақат спортда, билимда ҳам рекорд даражалар кўрсата олишига ишонаман.

Сўзим якунида, аввало, илм-маърифат ривожига бекиёс ҳисса қўшаётган, Учиччи Ренессанс сари катта қарвонини етаклаётган оқил ва

одил Президентимизга миндан-минг ташаккур айтаман. Менга берилган уй жуда чиройли ва шинам. Ҳеч муболага сиз айтмаган, бундай уйларни фақат киноларда кўрганман. Уйни номимга ўтказиб беришди. Мен бугун янги Ўзбекистоннинг энг бахтли ўқитувчиси, бахтдан масрур қизиман. Қувончларим қалбимга сиймай, миннатдорлигим ифодаси сифатида ушбу шеърни қоғозга туширдим.

Ватан, маҳданг учун сўзларим ожив,
Лойиқ сўз тополмай хижолатдаман.
Бахтли ёшлик бердинг, иқболлар бердинг,
Истиқлол қўйида фароғатдаман.

Андижон тонгида урмоқда бонглар,
Кенг қирлар бағрида ҳаёт чашмаси.
Ҳар бир ёш қалбида ишжоат, шиддат
Янги Андижоннинг бу нишонаси.

Қўлларим кўксимда, қалбим поёндоз,
Франгун Олмонга андоза халқим.
Буоқ даҳларга бўлганг маёқ
Янги Андижоннинг муборак юртим!



Меҳриноза ЖИЯНАЛИЕВА,
Андижон вилояти Қўрғонтепа
туманидаги 12-мактабнинг она
тили ва адабиёт ўқитувчиси



МУНОСАБАТ

Қўшма тадқиқот ва тажриба алмашув дастурлари

Ёшларнинг халқаро миқёсда амалиёт ўтаб, тажриба орттириш имкониятини оширади

қурилиш соҳасида етуқ кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Жорий 2021-2022 ўқув йилида олий таълим муассасамизда пойтахтдаги Турин политехника университети билан ҳамкорликда янги "Машинасозлик технологияси" йўналишига қабул бошланди.

Шунингдек, таълим муассасамизнинг ёш педагог кадрлари бугунги кунда дунёнинг кўплаб давлатларида стажировка дастурларида иштирок этиб, таълимнинг кейинги босқичларида ўқимокда.

Халқаро учрашув доирасида Президентимиз илгари сурган ташаббуслар орасида бу жиҳат ҳам эътибордан четда қолмади.

Қўшма тадқиқот ва тажриба алмашув дастурларининг сони ортиши тор доирадаги мутахассислар тайёрлаш борасидаги муаммо ва камчиликларнинг бартарлаб этилишига ҳам қўшма беради.

Давлатимиз раҳбарининг илмий ва маданий-гуманитар алмашувларни кенгайтириш мақсадида Термиз шаҳрида ЮНЕСКО шафелигида "Марказий ва Жанубий Осиёнинг тарихий мероси" мавзусида халқаро форум ўтказиш бўйича таклифи қўпчилиқда катта қизиқиш уйғотди.

Ўзбекистон ва Покистон ўртасида стратегик шериклик тўғрисида имзоланган декларацияда ҳам бу жиҳат кўзга ташланди.

Мудофаа вазирликлари ўртасида ҳарбий таълим соҳасида ҳамкорлик тўғрисида протокол, 2021-2026 йилларга мўлжалланган Маданий алмашув дастури, туризм масалалари бўйича аниқлашув меморандуми, давлат чегарасида олиб ўтилаётган товарлар ва транспорт воситалари ҳақида олдиндан ахборот алмашув тўғрисида баённома, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети билан Покистон дипломатик хизмат академияси ўртасида аниқлашув меморандуми, Ўзбекистон — Покистон ишбилармонлар кенгаши тузиш тўғрисида битимнинг имзоланиши ҳам мамлакатимиз олий таълим муассасаларида тахсил олаётган ва ишлаётган ёшларнинг халқаро миқёсда амалиёт ўтаб, тажриба орттириш имкониятини янада оширади.



Алишер УСМОНҚУЛОВ, Жиззах политехника институти ректори, техника фанлари доктори, профессор

Бошланғичи 1-бетда

Осиё мамлакатлари азалдан муштарак ҳаёт кечириб келган. Тарихий-маданий ўхшашлик, уйғун манфаатлар, яқин қўшничилик алоқалари ва қардошлиқ муносабатлари конференция ташкил этилишининг асосий сабабларидан бири, десак мулобага бўлмас.

Ер юзи аҳолисининг тўртдан бир қисми истиқомат қиладиган мазкур минтақа давлатларининг ўзаро савдо-иқтисодий, маданий-ижтимоий алоқаларни ривожлантириш ва унга доир лойиҳалар, тинчлик ва хавфсизлик масаласидаги муҳокамаларни кенг жамоатчилик катта қизиқиш билан кутиб олгани ҳам бежиз эмас.

Конференциянинг муҳим йўналишларидан яна бири сифатида таълим йўналишида ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтиришга эътибор қаратилди.

Биргина Жиззах политехника институти мисолида айтилган бўлсам, сўнгги йилларда Москва энергетика институти, Жанубий Урал давлат университети ҳамда Қозон федерал университети билан илмий-техникавий ва малакали мутахассислар тайёрлаш бўйича ҳамкорлик меморандуми, Дон давлат техника университети билан алоқаларни янада ривожлантириш мақсадида ҳамкорлик шартномаси имзоланди.



Музаффар КОМИЛОВ, Дин ишлари бўйича қўмита раисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ректори

Бошланғичи 1-бетда

Бугун мамлакатимиз ёшларини илм-маърифатга даъват этадиган, миллийлик ва динийлик ўртасидаги уйғунлик моҳиятини кенг тарғиб қилиш ҳар қачондан ҳам муҳим масала сифатида қаралаётгани бежиз эмас.

Ҳар қандай илмий янгилик илмий жамоатчилик эътиборига етказилмас экан, у омаллашмайди.

Юртимизнинг муаззам тарихини, буюқ аجدодларимиз томонидан амалга оширилган оламшумул кашфиётларни илмий асосда изчилик тадқиқ этиш соҳасининг долзарб илмий-назарий ва услубий масалаларига бағишланган

АЙЁМ ШУКУҲИ

ОСОЙИШТА, ФАРОВОН КУНЛАР ҚАДРИГА ЕТИБ...

Халқимиз муборак Қурбон ҳайити байрамини бағрикенглик, шукроналик, яратувчанлик кайфияти билан нишонлади.

Аввало, юртимизда бебаҳо неъмат — тинчлик ҳукмрон.

Кўриб турибмиз, бугун айрим давлатларда ножоиз қуролли тўқнашувлар, моҳиятсиз жоғролар авж олмақда.

Бозорларимиз тўкин-сочин, даромадимиз тайин, устимиз бут, кўнглимиз тўк.

Тошкент. Қўйлик бозори. Баъзи расталар эгаси — сотувчилар байрам муносабати билан дам олаётган бўлса-да, бозор гавжум, савдо авжида.

Бугун даромадимиз ҳам тайин. Кимки ҳалол меҳнат қилиб, яхши яшашга интилса, ҳеч тўсиқ йўқ.

Азиз юртимизда турли миллат ва элат вакиллари ҳамжиҳатликда, эмин-эркин дўст бўлиб яшапмиз.

Диний ва миллий байрамларимиз замирида уйғун ҳикмат бор. Бу — бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик тамойили.

Қолаверса, Ўзбекистонда виждон эркинлиги ҳукмрон. Гап ўзани шу мавзуга ўтар экан, бугун юртошларимизнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликлари билан бирга диний эътиқодлари ва эҳтиёжлари ҳам тўла таъминланаётгани ва қонун билан қаролатилгангани алоҳида фахр билан тил-

конференциялар, симпозиумлар, кўргазмалар ва маърузалар, илмий-амалий ва услубий семинар-тренинглр, тапловлар ва бошқа маданий-маърифий тадбирларни доимий ташкил этиб бориш шулар жумласидандир.

Марказда илм-фаннинг жадал тадрижий тарққиётини кўрсатиб берувчи сермазmun ноёб экспонатлар фонди, беназир қўлзма ва замонавий нашрлардан иборат бой кутубхоналар тизимини шакллантириш мақсад қилингани алоҳида эътиборга муносиб.

Хорижий давлатлардаги, шу жумладан, Туркиянинг Сулаймония, Ҳиндистоннинг Худобахш, Эроннинг Теҳрон давлат музейлари, Мисрнинг Ал-Азҳар ҳамда Миср Фанлар академияси қўлзмалар фонди, Франциянинг Париж миллий кутубхонаси, Германиянинг Берлин миллий кутубхонаси, Англиянинг Оксфорд ислом тадқиқотлар маркази фонди, Россиянинг Санкт-Петербург шарқшунослик институти қўлзмалар фондида сақланаётган Ўзбекистон тарихига оид қимматли манбаларнинг электрон ёки факсимиле нусхаларини Ўзбекистонга олиб келиш чораларини кўриш вазифаси белгилангани барча ишловшунослар, манбашунос олимлар томонидан мамнуният билан қабул қилинди.

Яна бир эътиборли жиҳат, Марказда ислом тарихи ва маданияти йўналишига оид билимларни ошириш, хорижий тиллар, хусусан, араб тили ва ёзуви, хаттоглик, қадимий қўлзма ва тошбосма асарларни қайта таъмирлаш, Қуръони каримни ўрганиш, гид-таржимонлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича мақсадли ўқув курслари ташкил этилишидир.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда зиёрат туризмининг ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Юртимизнинг муаззам тарихини, буюқ аجدодларимиз томонидан амалга оширилган оламшумул кашфиётларни илмий асосда изчилик тадқиқ этиш соҳасининг долзарб илмий-назарий ва услубий масалаларига бағишланган

зарий билим ва амалий кўникмага эга гид-таржимонларни тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини тизимли ошириб боришни таъминлашга асос яратилгани бу соҳадаги ишларни тизимга солишга хизмат қилади.

Испом цивилизацияси марказининг халқаро нуфузини янада оширишга хизмат қиладиган яна бир янгилик мазкур қарорда белгиланган Саудия Арабистони Подшоҳлиги Қирол Файсал номидаги Испом тадқиқот ва изланишлар маркази имкониятларидан кенг фойдаланиш, ҳамкорликда тадбирлар ташкил этиш, қўлзмаларни рақамлаштириш ва электрон манбалар алмашиш, шунингдек, Марказнинг Ар-Ривез шаҳридаги филиалини очиб чораларини кўриш масаласи бўлди.

Шунингдек, хорижий алоқаларни кенгайтириш доирасида "Ипак йўли халқаро кутубхоналар иттифоқи" (Silk Road International Library Alliance) ҳамда "Австралия ислом музейи", Малайзиядаги "Испом санъати музейи" билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилиши юртимиз олимлари ва тадқиқотчиларига янги имкониятлар эшигини очиб бериши шубҳасиз.

Марказда сақланаётган қўлзма ва тошбосма китоблар, тарихий далил ва ҳужжатлар, археологик топилмаларни бугунги замон талаблари асосида тўлақонли электрон рақамлаштириш ишлари амалга оширилади.

Кўришиб турибмиз, Ўзбекистондаги Испом цивилизацияси маркази ўз фаолиятида халқимиз маърифатини оширишга хизмат қилувчи барча қирраларни қамраб олган. Бутун юртошларимиз, халқаро ҳамжамият диққат-эътиборида турган ушбу Марказ мазмун ва сифат жиҳатидан тубдан тақомиллаштирилган.

Қарорда белгиланган вазифалар ижроси эса, халқимиз кутган эзу ниятларнинг амалий ифодаси бўлажак.

таълим муассасалари очилмоқда. Алломаларимизнинг илмий мероси таржима қилиниб, халқимизга тақдим этилмоқда.

Президентимизнинг Ўзбекистон халқига йўллаган Қурбон ҳайити табриги юртошларимиз учун ҳақиқий байрам туғфаси бўлди.

Аллоҳ халқимизга Қурбон ҳайити байрамини муборак қилсин. Бутун дунёга келиб турган қоронғавури кассаллигини шу кунларнинг шарофати ила тезда даф қилиши Ўзи наси айласин.

— Давлатимиз раҳбарининг халқимизга йўллаган байрам табриги барчамизни хурсанд қилди, — дейди Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори Даврон Махсудов.

— Президентимиз ўз табригида мўмин-мусулмонларни улуг айём билан кутлаб, юртимизда кейинги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар, янгиликларга алоҳида урғу берди.

Дарҳақиқат, бугунги улуг айём кунлари шуқуд ҳақида гапирар эканмиз, алломаларимизнинг "Ҳайит кунлари шодликни изҳор қилиш диннинг широрларидандир", деган гапини ёдга олиш ўринли.

Улуғбек АСРОПОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири



Даврон МАХСУДОВ, халқаро илмий-тадқиқот маркази директори



Улуғбек АСРОПОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИГА

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН КЎПРИКЛАРИ

манзилларни бир-бирига боғлаб, халқимизга қулайлик
яратмоқда, шаҳарларимиз кўркига кўрк қўшмоқда

Бошланиши 1-бетда

Шаҳзод ҒАФФОРОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Туннель узунлиги 593, ҳалқа шаклидаги ўрта поғона 329, эстакада қисми 502 метрли, туннель ва эстакадада қатнов олти, ўрта поғонада эса, беш қаторли бўлган мазкур уч поғонали кўприк жаҳон меъморчилигининг энг яхши ютуқларини уйғунлаштирган ноёб иншоотлардандир.

Яқинда шу кўприкнинг устидан ўзгача ҳис-ҳаяжон билан ўтар эканман, Нидерландиядаги кўприк эсимга тушди. Мамлакатимизда ҳам ундан асло қолишмайдиган кўприк қурилганидан қалбим гурур-ифтихор туйди, ана шундай йирик лойиҳаларни амалга ошириш учун билимимиз ҳам, имкониятимиз ҳам, салоҳиятимиз ҳам етарли эканига яна бир қарра амин бўлдим.

Тахриба, сифат, самара

Халқимиз азалдан йўл, кўприк қуришни энг савобли амаллардан, деб билади. Йўл, кўприк қуришнинг меҳнати улуғланади. Чунки бундай қурилишлар орқали одамларнинг мушуқли осон бўлади. Улар воситасида қўзланган манзилга осон ва хавфсиз етиб олиш имконияти яратилади.

Шу боис, мамлакатимизда халқаро стандартларга мувофиқ йўл-транспорт инфратузилмасини яхшилаш, замонавий автомобиль йўллари, кўприклар қуриш, йўлда ҳаракатланиш қулайлиги ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Янги темир йўл ва автомобиль кўприкларининг аксарияти “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти тасарруфидида “Кўприкқурилиш” трести унитар корхонаси томонидан бунёд этилмоқда. Мазкур корхона қурган ноёб иншоотлар мамлакатимиз темир йўлининг яхлит ва ягона транспорт тизимига айланишига, барча ҳудудлардаги пўлат изларни бир-бирига туташтиришига муносиб ҳисса қўшди.

— 1968 йилда ташкил қилинган “Кўприкқурилиш” трести 2004 йилдан бошлаб “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ тасарруфидида фаолият юритмоқда, — дейди корхона бўлим бошлиғи Иброҳим Саминов. — Мазкур трест Амударё узра ҳам темир йўл, ҳам автомобиль ҳаракати учун мўлжалланган кўприк қурилиши, Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон, Ангрэн — Поп темир йўл линияларидаги ноёб кўприклар, йўл ўтказгичлар бунёд этилишига муносиб ҳисса қўшди. Уларнинг қурилиши билан вилоятларга бориладиган масофа қисқарди, вақт сарфи камайди, йўловчиларга қулайлик яратилди. Бундан 30 йил олдин Ўзбекистонда маҳаллий қурувчилар томонидан ана шундай ноёб иншоотлар қурилади, деса ҳеч ким ишонмасди. Узоқ йиллар давомида ортирилган улкан тажриба ва замонавий технологиялар ушбу корхона жамоаси томонидан ҳар бир йўл ўтказгич ва кўприкнинг халқаро талабларга мос тарзда бунёд этилишига имкон яратди.



“ ТУННЁЛЬ УЗУНЛИГИ 593, ҲАЛҚА ШАКЛИДАГИ ЎРТА ПОҒОНА 329, ЭСТАКАДА ҚИСМИ 502 МЕТРЛИ, ТУННЁЛЬ ВА ЭСТАКАДАДА ҚАТНОВ ОЛТИ, ЎРТА ПОҒОНАДА ЭСА, БЕШ ҚАТОРЛИ БЎЛГАН МАЗКУР УЧ ПОҒОНАЛИ КЎПРИК ЖАҲОН МЕЪМОРЧИЛИГИНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЮТУҚЛАРИНИ УЙҒУНЛАШТИРГАН НОЁБ ИНШОТЛАРДАНДИР.

Айтиш жоизки, истиқлол йилларида мазкур кўприк қурувчи корхона томонидан умумий узунлиги 67,3 километр ва ўртача баландлиги 6,2 метр бўлган 413 та кўприк ва йўл ўтказгич барпо этилди. Улар орасида энг баланди қарийб 60 метрни ташкил қилади. Бундан ташқари, узунлиги 12,5 километр бўлган 214 та турли сунъий иншоот ҳам қурилди.

Сўнги беш йилда корхона мутахассислари умумий узунлиги 35,7 километр бўлган 102 та йирик транспорт иншооти бунёд этди. Уларнинг баландлиги ўртача 6,1 метрни, энг баланди эса 31 метрни ташкил қилади. Шунингдек, жами узунлиги 1,9 километр бўлган 75 та кичик сунъий (сув ўтказгич қувурлар, тирама деворлар, туннельсимон йўл ўтказгичлар) қурилди.

Бунёдкорлик тимсолига айланган муҳташам иншоотлар

Мамлакатимизда дунё стандартларига тўлиқ жавоб берадиган, ҳар жиҳатдан мукамал лойиҳалар асосида кўприклар, йўл айригичлар қуриладигани аҳолига янада қулайлик яратиб, турмуш фаровонлиги ошишида муҳим аҳамият касб этапти.

Жумладан, Тошкент шаҳар йўл инфратузилмасини яхшилаш масаласи Президентимизнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Чунки пойтахтда аҳоли ҳам, шунга мос равишда транспорт воситалари ҳам кўпаймоқда. Охириги 10 йилда Тошкент шаҳрида автомобиллар сони 250 мингтадан 510 мингтага, яъни 2 баробар ошган. Шу боис, йўлларда босим ва тирбандлик кўп, йўл ҳаракатини тартибга солишида муайян камчиликлар мавжуд.

Шундай муаммоларни бартараф этиш мақсадида сўнги йилларда пойтахтимизда замонавий кўприклар, ер усти метроси, янги йўллар бунёд этилди. Бу эса, ўз навбатида, вақт ва ёнилғини

тежаб, йўлларда тирбандликлар камайишига хизмат қилмоқда. Демак, ҳам вақт, ҳам нақд иқтисод қилинмоқда.

Хусусан, 2017 йилда Чилонзор туманида Бунёдкор ва Мўқимий кўчалари чорраҳасида қурилган кўприк аҳолига жуда катта қулайлик яратди. Икки ойда қуриб битказилган бу кўприкнинг умумий узунлиги 900, баландлиги 6, кенглиги 24 метр. У автомобиллар ҳаракати узлуксизлиги ва хавфсизлигини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этади. Кўприкнинг икки томонида пидедалар учун иккита ер усти ўтиш йўлига барпо этилган.

Шу йили Тошкентнинг Кичик ҳалқа йўли ва Фарғона йўли кўчалари туташган ҳудудда йўл ўтказгич қурилгани нафақат ҳайдовчиларга, шунингдек, пидедаларга ҳам қулайлик яратди ва ҳаракатланиш хавфсизлиги даражасини оширди. Авваллари ярим соат сарфланган масофани энди ҳайдовчилар бир неча дақиқада босиб ўта олиш имкониятига эга бўлди. Кўприкнинг узунлиги 346 метр, эни 30 метр бўлган қисми реконструкция қилинди, унга узунлиги 281 метр, эни 22 метр бўлган янги қисм бириктирилди.

2018 йилда қурилган Бунёдкор ва Чўпонота кўчалари чорраҳасидаги кўприкнинг узунлиги 667,5 метрга тенг. Шундан эстакада қисми 488,5 метр бўлиб, баландлиги 8 метр, кенглиги 24,5 метр, 21 устундан иборат. Кўприқда автомобиллар олти қатор бўлиб ҳаракатланади. Шунингдек, пидедалар учун 124 метрли иккита ўтиш кўприги барпо этилди. Ногирон ва кексаларга қулайлик яратиш мақсадида уларда махсус эскалатор ўрнатилди.

Бугунги кунда мегаполис шаҳарларни метрополитенсиз тасаввур қилиш қийин. Чунки метро техник ва экологик хавфсиз транспорт воситаларидан саналади. Шу боис, аҳолининг талаб ва эҳтиёжлари, пойтахтимизнинг келгуси ривожланиши инobatга олиниб, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Тошкент шаҳрида ер усти ҳалқа метро линияси қурилиши давом этмоқда. Лойиҳа беш босқичда амалга ошириляпти. Унинг умумий узунлиги 54,8 километр бўлиб, 35 та метро бекати, 2 та депо ва 1 та техник кўрик пункти қурилади.

2020 йил Тошкент ер усти ҳалқа метро линиясининг биринчи босқичи бўлган Дўстлик-2 — Қўйлиқ йўналиши фойдаланишга топширилди. Метронинг ушбу участкасида 7 та бекат барпо этилган. Янги йўналишнинг узунлиги 11,5 километр.

Шунингдек, ўтган йили Тошкент метрополитеннинг Сергели йўналиши ҳам қурилиб, фойдаланишга топширилди. 7 километрли ушбу йўналиш бешта бекатдан иборат. У кунига 35 минг нафаргача йўловчи ташини имкониятига эга. Сўнги беш йилда “Кўприкқурилиш” трести томонидан Тошкент шаҳрида умумий узунлиги 28,1 километр бўлган 14 та йирик транспорт иншооти (кўприклар, йўл ўтказгичлар, туннеллар, метро) бунёд этилди.

Йўллар обод, кўнгиллар шод

Бугун ким билан суҳбатлашманг, юртимизда, хусусан, пойтахтимизда кўприқсозлик бўйича ба-жарилётган ишлардан тўлқинланиб сўзлайди,

яратилаётган шундай имкониятлар учун шўқрона келтирдан.

— Ўттиз олти йилдан буён рудаман, — дейди тошкентлик Самад Ҳошимов. — Пойтахтимизда кўприклар, ер усти метроси, йўл айригичларнинг қуриладигани, йўллар кенгайтириладигани айна мудабо бўлмоқда. Манзилимизга қисқа ва қулай йўл орқали етиб оляемиз. Мисол учун, собиқ Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси олдидаги ёки Бунёдкор ва Чўпонота кўчалари чорраҳаларининг аввалги ҳолати биз, ҳайдовчиларга кўп ноқулайликлар тўғдиради. Сабаби, қатнов жуда кўп, юклама катта эди. Янги қуриладиган кўприклар эвазига автомобилларнинг тўхтовсиз ҳаракати таъминланаяпти.

Атроф-муҳит мусоффолиги ҳам эътиборга олинган

Бугунги шиддатли замонда йўллардаги тирбандликлар сабаб кўп вақт йўқотилмоқда, қуриладиган молиявий зарар ҳам кам эмас. Мисол учун, АҚШнинг автомобил энг кўп ҳаракатланадиган 10 та шаҳрида ҳайдовчилар бир йилда тирбандлик сабаб тахминан 42 соат вақт йўқотади. Бунинг оқибатида ёнилғи сарфи ва экологик муаммолар туфайли қарийб 121 миллиард доллар молиявий зарар қўрилади.

Шунга қарамай, мегаполис шаҳарларда автомашиналар тирбандлиги билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш бўйича ўзига хос тажриба тўпланган. Баъзи мамлакатларда шаҳарнинг турли туманларини бир-бирига боғлаш учун айлана йўллар барпо этилмоқда. Бунга Токио шаҳрида бунёд этилган халқа йўллар мисол бўла олади. Мазкур шаҳарда бундай йўллар саккизта бўлиб, тўрттаси пуллик, яна тўрттаси бепул. Қизғи, бу халқа йўллар 20-30 метр баландлиқда қурилган бўлиб, улар остида автомобиллар бемалол ҳаракатлана олади. Тирбандликнинг олдини олишга қаратилган бундай ўзига хос ечимга келинганнинг сабаблари бор, албатта. Маълумки, Токио аҳолиси кўп, бинолари жуда зич жойлашган шаҳарлардан саналади. Японлар шуни ҳисобга олиб, баланд йўллар, кўприклар қуриш йўлини танлаган. Бу ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланиш, шаҳар марказидаги автомобиллар билан юзага келадиган юкломалар, ортиқча ёнилғи, вақт сарфининг олдини олиш, атроф-муҳит мусоффолигини сақлаш имконини беради.

Хитойнинг Шарқий қисмида жойлашган Даяньян-Куньшань дунёдаги энг узун кўприк саналади. Узунлиги 164,8 километри ташкил этадиган мазкур кўприк Цзянсу провинциясида жойлашган. Бир кеча-кундузда йўл ўтказгичдан қарийб 30 мингта транспорт воситаси ўтиб-қайтади. Ушбу кўприк йилига ўртача 1200 тоннага яқин зарарли тутун ҳавога кўтарилишининг олдини олади.

Лос-Анжелесдаги дунёга машҳур Гарри Прержерсон номидаги беш поғонали йўл ўтказгич жуда мураккаб меъморий ечимга эга бўлиб, унда ҳам автомобиль, ҳам метро йўли ўтган. Мазкур йўл ўтказгич орқали кунига 600 мингдан зиёд транспорт воситаси ўтиб-қайтади. Бу орқали транспорт воситалари билан боғлиқ тирбандликлар бартараф этилди, шаҳар магистралларига юкломалар

камайтирилди. Ҳисоб-китобларга кўра, мазкур йўл ўтказгич ҳавога йилига ўртача 25 минг тонна зарарли газ чиқишининг олдини олмақда.

Маълумотларга кўра, пойтахтимизда автомобилларнинг 75 фоизи бензин ва дизель, 25 фоизи газ ёнилғисига ҳаракатланади. Метан газли автомобиллар бензинлисига қараганда уч баробар кам зарарли модда ажратади.

— Автотранспорт воситалари тирбандлиги экологик муҳит барқарорлигига салбий таъсир кўрсатадиган омиллардандир, — дейди Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси бошқарма бошлиғи Азизжон Қалимбетов. — Автомобиллардан чиқаётган зарарли газлар атроф-муҳит мусоффолигига, инсон саломатлигига зарар етказиши. Қолаверса, ҳайвонот ва наботот оламига, хусусан, ўсимликларнинг фотосинтез жараёنларига ҳам таъсир ўтказиши. Кўприк ва йўл ўтказгичларнинг эса, атроф-муҳит мусоффолигини сақлашдаги ўрни катта. Масалан, Тошкент шаҳрининг Оҳангрон шоссеси ва Махтумқули кўчаси кесилишидаги уч поғонали йўл ўтказгич атмосферага йилига ўртача 850 тоннадан ортиқ зарарли газ чиқишининг олдини олади. Қандай қилиб? Чунки тирбандлик йўқ, автомобиллар бир маромада ҳаракатланади. Пойтахтимизда қурилган бошқа кўприклар ҳисобига яна қанча зарарли газ чиқишининг олди олинаётганини ўзининг тасаввур қилаверинг. Қўриқиб турибдики, шаҳарларда кўприклар, йўл ўтказгичлар қанча кўп бўлса, тирбандлик шунча камайди. Демак, нафас олаётган ҳавомиз шунча тоза бўлади.

Аҳолига қўшимча қулайлик яратиш йўлида

Келгусида пойтахтимизда қурилиши режалаштирилган кўприклар, йўл ўтказгичлар шаҳар инфратузилмасини янада яхшилайдди. Ана шулардан бири Тошкент халқаро аэропортидан шаҳар марказига ўтишдаги кўприкни кенгайтириш лойиҳаси. Президентимиз шу йил 31 май куни туризм, шаҳар инфратузилмаси ва саноат соҳаларидаги лойиҳалар тақдими билан танишиш чоғида мазкур масалани ҳам алоҳида эътибор қаратди.

Ҳозирги йўл ўтказгич 1967 йилда қурилган бўлиб, пойтахт ривожланиши ва транспортлар сони ошиши билан уни реконструкция қилиш эҳтиёжи пайдо бўлди. Шу боис, ушбу кўприкнинг Кичик ҳалқа йўли билан кесилган жойида айлана шаклидаги йўл ўтказгич қуриш режалаштирилган. Унинг узунлиги 650, эни 30 метр бўлади.

Ушбу муҳандислик ечимини автотранспортларнинг кўприкка чиқиши ва тушишини осонлаштириши, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда ҳамда яқин атрофдаги кўчаларда ҳам тирбандлик камайишига хизмат қилади. Бюджетни 22 ой ичида фойдаланишга топшириш кўзда тутилмоқда.

Бундан бир йил олдин давлатимиз раҳбари Сергели туманини пойтахтимиз маркази билан боғловчи йўл ва кўприк лойиҳаси билан танишган эди. Утган йил 26 декабрь куни ушбу йўлнинг муҳим қисми бўлган Қипчоқ кўчасидаги кўприк очилди. Бугунги кунда ушбу кўприкдан Чўпонота кўчасигача янги йўл ва йўл ўтказгичлар барпо этилмоқда.

Кичик ҳалқа йўли ва Сапар канали устида қуриладиган кўприкнинг узунлиги 788 метр, чиқиш-тушиш қисми билан ҳисоблаганда 950 метр бўлади.

Шу йилнинг 25 июнь куни давлатимиз раҳбари ушбу кўприкни бориб кўрди. Ўзига хос муҳандислик ечимига эга бу иншоот монолит услубида, бетон аралашмаси ичидаги темир тўқималарни таранг тортиш технологияси асосида бунёд этилмоқда. Бу хавфсиз бўлиши билан бирга, қуриш учун жуда қулай. Хусусан, бу ердаги ишлар ҳам Кичик ҳалқа йўли ва темир йўлдаги қатновни тўхтатмаган ҳолда давом эттирилмоқда.

Ушбу кўприкдан Қипчоқ кўчасигача 6 километр йўл қурилмоқда. Тошкент автомобиль халқа йўли билан кесилган жойда туннель бўлади. Шу тариқа пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги Чўпонота кўчаси ва Сергели туманидаги Қипчоқ кўчаси боғланади.

Ҳозирги кунда Сергели туманидан шаҳар марказига келиб-кетадиган автомобиллар асосан битта йўл — Янги Сергели кўчаси орқали ҳаракатланмоқда. Шу боис, унда қатнов жуда кўп, тирбандлик юқори. 6 қаторли янги кўприк ва йўл соатига 12 мингтагача автотранспортни ўтказиш қувватига эга бўлади. Натияжада Сергели тумани транспорт қатнови тирбандлиги 50 фоиз, ҳаракат вақти 20-25 дақиқача камайди.

Муҳтасар айтганда, сўнги беш йилда пойтахтимизда кўприқсозлик, йўл қурилиши йўналишида улкан бунёдкорлик ишлари бажарилди. Бундай йирик лойиҳалар йўл инфратузилмасини яхшилаш, аҳолининг ўз манзилига осон ва қулай етиб олишини таъминлаш ҳамда Тошкент шаҳрини янада кўркам ва обод масканга айлантиришга хизмат қилмоқда.



ФАРМОНГА ШАРХ

ЁШЛАРНИНГ ЎЗ САЛОҲИЯТИ, ИҚТИДОРНИ НАМОЁН ҚИЛИШИ УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИЛАДИ

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Бошланиши 1-бетда

Хужжатда белгиланганидек, 2021 йилнинг август ойида “Темир дафтар”га киритилган оилаларнинг 18 ёшгача бўлган ҳар бир фарзандига ўқув қуроллари, китоб, кийим-кечак учун 500 минг сўмдан бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди ва уларнинг давлат олий таълим муассасаларида таълим олаётган фарзандларига 2021-2022 ўқув йилида биринчи ўқув йили учун тўлов-контрактнинг тўлиқ суммаси Давлат бюджетидан маблағлари ҳисобидан қоплаб берилди. Мазкур имкониятдан 4,1 минг нафар оила фарзандлари фойдаланиб, ҳар бирининг ихтиёрида 7,2 миллион сўмдан маблағ қолади. Ушбу мақсадларда Давлат бюджетидан 29,2 миллиард сўм йўналтирилди.

ва тадбиркорлик зоналаридаги 3 мингта лойиҳа доирасида 50 мингта янги иш ўрни яратилди.
— Мазкур Фармонда 30 дан ортиқ тақлиф, ташаббус ва ғоялар илгари сурилган, — дейди Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги директорининг ўринбосари Дилноза Каттахонава. — Уларни учта асосий йўналишга бўлиб

берилмоқда. Ушбу мақсадлар учун 128 минг болага Давлат бюджетидан жами 64 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Шу билан бирга, “Темир дафтар”га киритилган оилаларнинг олий таълим муассасаларида таълим олаётган фарзандларининг 2021-2022 ўқув йилида тўлов-контракт суммаси биринчи ўқув йили учун Давлат бюджетидан маблағлари ҳисобидан қоплаб берилди. Мазкур имкониятдан 4,1 минг нафар оила фарзандлари фойдаланиб, ҳар бирининг ихтиёрида 7,2 миллион сўмдан маблағ қолади. Ушбу мақсадларда Давлат бюджетидан 29,2 миллиард сўм йўналтирилди.

“Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”га киритилган оилалар фарзандлари ва “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларга янги турмуш қураётганларида ўз хонадонидан қўшимча уй-жой қуриши учун 33 миллион сўмгача гаровсиз кредит ажратилди. 2 мингта ёш оиллага уй-жой сотиб олиш учун бошланғич бадал ва фойз тўловларини қоплашга Давлат бюджетидан қўшимча 60 миллиард сўм субсидия берилди.

Фармонда тегишли вазирлик ва идораларга жисмоний шахсларнинг олий ва профессионал таълим муассасаларида ўқиш учун олинган таълим кредитларини қоплашга йўналтирилган иш ҳақи ва бошқа даромадларига солиқ имтиёзлари қўлланишини, шунингдек, ёш оилаларнинг иш ҳақи ва бошқа даромадларининг ипотека кредитлари ва фозизларини қоплашга йўналтирилган миқдорини жисмоний шахслардан олинган даромад солиғидан озод

қилинишини назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди.

Шу билан бирга ҳужжатда ёш мутахассисларни қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, нуфузли халқаро рейтинг агентликларининг етакчи 500 талик рўйхатига кирган хорижий олий таълим ташкилотларини тамомлаган ёшларда илмий даража олган ёш мутахассисларнинг лавозим маошига қўшимчалар тўлаш тизими жорий этилади.

2021 йил якунига қадар республика бўйича мактаблар қўшимча 5 мингта компьютер синфи билан таъминланади ҳамда барча таълим муассасалари юқори тезликдаги Интернетга тўлиқ уланади.

2021-2022 ўқув йилидан умумий ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида ахборот технологиялари дарслари босқичма-босқич “Кембридж” дастури асосида ўтилиши бошланади ва ўқитувчилар ушбу дастур асосида қайта тайёрланади.

Жорий йил октябрь ойидан бошлаб ҳар йили ёшларга мўлжалланган бадиий асарлар муаллифларини рағбатлантириш мақсадида, “Болалар ва ёшлар учун энг яхши китоб” танлови ташкил этилади. Танлов ғолиблари биринчи ўрин учун — 100 миллион сўм, иккинчи ўрин учун — 75 миллион сўм, учинчи ўрин учун — 50 миллион сўм пул мукофоти билан тақдирланади.

Сентябрь ойидан бошлаб эса, Тошкент шаҳрида илгор хорижий тажриба асосида Ёшлар бизнес мактаби фаолияти йўлга қўйилиб, унда жорий йилда 1,4 минг нафар ёшларга тад-



2021 йил 1 сентябрдан ёшларнинг “Бизнесга биринчи қадам” стартан лойиҳалари танлови доирасида ҳар бир туман ва шаҳарда 3 нафардан ғолибларга грантлар бериш амалиёти жорий этилади. Лойиҳаларнинг ҳар бири учун 50 миллион сўмлик грантлар берилди.

биркорлик ва бизнес юритишда яхши натижаларга эришиш ва хавф-хатарлардан ҳимояланиш усуллари ўргатилади.

2022 йилда Ёшлар бизнес мактабининг республика миқёсида филиаллари ташкил этилади. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖ томонидан ёшларнинг янги ғоялар асосида ишлаб чиқилган инновацион, стартап ва бизнес лойиҳаларини молиялаштириш орқали тадбиркорликка жалб этиш ишлари жадаллаштирилади. Ушбу мақсадларга Тиланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан Ўзмиллиббанкка 7 йил муддатга 3 йил имтиёзли давр билан йиллик 2 фоз ставкада 100 миллион АҚШ доллари ажратилди.

2021 йил 1 сентябрдан ёшларнинг “Бизнесга биринчи қадам” стартан лойиҳалари танлови доирасида ҳар бир туман ва шаҳарда 3 нафардан ғолибларга грантлар бериш амалиёти жорий этилади. Лойиҳаларнинг ҳар бири учун 50 миллион сўмлик грантлар берилди.

Ёшларни қонунчилик жараёнига кенг жалб этиш мақсадида, Олий Мажлис палаталарига ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳудудларда амалга оширилиши бўйича рейтинг тизимини яратиш, “Биз парламентда ёшларни қўллаб-қувватлаймиз!” ташаббуси амалга оширилди ва халқ депутатлари Кенгашларида “Ёшлар парламенти вакиллари мактаби” ташкил қилинади.

— Олий Мажлис Сенати томонидан ҳудудларда ёшларга берилаётган эътибор, бандлигини таъминлаш, ташаббус ва ғояларини қўллаб-қув-

ватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўлиқ баҳолаб борилди, — дейди Олий Мажлис сенати аъзоси Фарҳод Боқиев. — Маҳаллий



кенгашларнинг тавсияларига кўра, барча ҳудудлардаги азму шижоатли, фидойи ёшларни сенат аъзоларига бириктириш тизими келажақда кадрлар захирасини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, 2021 йилнинг 1 сентябридан бошлаб спортчи-тренерларга, спорт тўғрақларини ташкил этиш учун бўш турган объектлар имтиёзли тарзда ижарага берилди. Мураббийларга спорт инвентарлари, буюмлари ва жиҳозларини харид қилиш учун субсидиялар ажратилди. Камида 100 нафар ёшни мунтазам спорт билан шугуллантиришга эришган мураббийларга 2,5 миллион сўмдан ҳар ойлик тўлов жорий этилади.

Хулоса қилиб айтганда, Президентимизнинг Фармонида юртимиз ёшларини қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ қўллаб-қувватлаш қамраб олинган. Бу эса Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинаси бўлган ёшларимизга ўз салоҳияти, иқтидорини намоян қилиши учун янада кенгроқ имкониятлар яратишга қаратилган.

Жорий йилнинг ўтган даврида 92 мингдан зиёд ўғил-қизларнинг тадбиркорлик лойиҳалари учун 2 триллион 300 миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Ҳудудларда ташкил этилган 186 та Ёшлар sanoat ва тадбиркорлик зоналаридаги 3 мингта лойиҳа доирасида 50 мингта янги иш ўрни яратилди.

Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг ёшларга оид сиёсатида иккита энг муҳим йўналиш бор. Биринчиси, уларга замонавий билим бериш, иккинчиси, уларнинг бандлигини таъминлаш. Зеро, кейинги йиллардаги ислохотлар, ташаббус ва янги тизимлар замирида ана шу мақсад муҳасам.

Шу ўринда, ёшлар бандлиги масаласида рақамларни таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, сўнгги 4 йилда 30 ёшгача бўлган тадбиркорлар сони 5 баробар кўпайиб, улар 500 мингдан ошган. Охириги 8 ой мобайнида “Ёшлар дафтари”га кирган 430 минг нафар йигит-қизнинг муаммоларини ҳал этиш учун 300 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Жумладан, “Темир дафтар”даги оилалар фарзандлари бўлган 2 мингдан зиёд талабаларнинг контракт пули тўлаб берилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида 92 мингдан зиёд ўғил-қизларнинг тадбиркорлик лойиҳалари учун 2 триллион 300 миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Ҳудудларда ташкил этилган 186 та Ёшлар sanoat

таҳлил қилиш мумкин. Биринчи йўналиш, бу — ёшларни илм, билимга қизиқтириш ва уларга қўшимча шароитлар яратишдан иборат. Иккинчи йўналиш эса, ёшларнинг бандлигини таъминлаш масаласи. Жумладан, хусусий секторда уларнинг муносиб даромад олишлари учун кўмаклашиш ва ёш кадрлар ўртасида давлат фуқаролик хизмати жозибдорлигини оширишга қаратилган. Шунингдек, ёшлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, уларнинг инновацион, стартап ғоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ёш оилаларнинг ижтимоий ҳимоясини яхшилаш ҳам ҳужжатда ўз аксини топган.

— Президентимизнинг мазкур фармони билан мамлакатимиздаги эҳтиёжманд оилаларда тарбияланаётган иқтидорли ёшларга кўмаклашиш, уларнинг муносиб шароитларда таълим олишларини таъминлаш учун янада кенг имкониятлар яратилди, — дейди Молия вазирлиги бўлим бошлиғи Фазлиддин Нишонов. — Жумладан, 130 мингта яқин ёшларга ўқув қуроллари, китоб, кийим-кечак учун бир марталик моддий ёрдам



ТАРАҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

БРЕНДЛАРИМИЗ РАҚОБАТДАН ҚЎРҚМАЙДИ

Нурислонбек ЮСУПОВ,
“Саховат текс” кўшма корхонаси раҳбари

Пахта етиштириш бўйича дунёда етакчи давлатлар қаторидамиз. Узоқ йиллар қўллаб-қувватлаш билан таъминланганмиз. Сўнгги йилларда янги Ўзбекистон жаҳон майдонида нафақат хомашё етказиб берувчи, балки қайта ишловчи давлат сифатида ҳам ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда.

Иқтисодиётимизнинг муҳим қисми бўлган енгил соноат соҳаси ана шу ўзгаришлар эпкинида ривожланиб бораёпти. Ёшимизда, “Пахта ўзимизники, уни қайта ишлашга имкониятимиз бўлса, нега энди далада меҳнат қилиб, ҳар йили етиштирилган миллионлаб тонна хомашёни хорижга арзонга сотамиз-у, кейин ўзимиз улардан тўқимачилик маҳсулотларини бир неча баробар қimmatта импорт қиламиз”, деган саволлар ичтимизни тирнаб келган. Узоқ йиллар пахтадан калава-ип ишлаб чиқаришгагина қодир бўлдик. Аслида эса имкониятнинг ана шу қисмидангина фойдаланардик, холос...

Президентимизнинг 2019 йил 16 сентябрдаги “Енгил соноатини ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда бошланган катта ислохотлар янги-янги муваффақиятларга йўл очди. Енгил соноат соҳаси алоҳида катта тармоқ, тадбиркорликнинг ўзига хос йўналишларидан бирига айланди. Пахта толасини чўқур қайта ишлаб, ўзбек бренди остида тўқимачилик маҳсулотлари тайёрлайдиган, хорижга экспорт қиладиган корхоналар сони орта бошлади.

Аҳамиятлиси, бугун тармоқда ташкил этилаётган тўқимачилик ва тикувчилик корхоналарининг асосий қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келяпти.

КЛАСТЕР ЯРАТАЁТГАН ИМКОНИЯТЛАР

Ўзим ҳам иш фаолиятимни тадбиркор сифатида Андижон вилояти Шаҳрихон туманида “Саховат текс” кўшма корхонасини ташкил этиб, пахта толасидан йигирилган ип ишлаб чиқаришдан бошлаганман. Уша кезлари бу йўналиш юртимизда энди ривожланаётган эди. Аста-секин замонавий тикув машиналари харид қилиб, болалар ва катталар учун импорт ўрнини босувчи кийимлар ишлаб чиқариш ва экспорт қилишни йўлга қўйдик. Бошланган ислохотлар бизга янада куч бериб, шиддат билан қадам ташлашга ундади. Қалбимда ўзбек тўқимачилик маҳсулотларини жаҳон бозорига олиб чиқиш, хорижликлар эғнида ўзимизнинг либосларни қуриш иштиёқини алангалатди. Соҳада берилган имтиёзлар мақсадларимизга қанот бўлди.



Кластерлар ташкил этилиши имкониятларимизни янада кенгайтди. Ҳозир корхонамиз кластер тизимида фаолият юритади. Иш бошлаган вақтимда 35 нафар хотин-қизнинг бандлигини таъминлаган бўлсак, бугунги кунда корхонада 2 000 дан зиёд киши меҳнат қилмоқда. Кластернинг 3 минг гектар майдонида пахта ва ғалла етиштириш йўлга қўйилган. Занжир мисол бир-бирига уланган тизимда хомашёдан тортиб тайёр маҳсулотгача чиқарилади. 2019 йилда пахта тозалаш заводимизда 21 700 тонна, 2020 йил ҳисобига кўра 24 000 тонна, бугунги кунга келиб қарийб 30 000 тонна пахтани қайта ишлашга эришдик. Бу эса корхона фаолияти янада такомиллашишига замин яратмоқда. Натижада йиллик тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати 7,5 миллион донага етди.

Сўнгги йилларда кластерда пахта ҳосили унмудорлиги 30 фоз ўсди. Сифатли тола етиштирилиб, ундан жаҳон стандартларига мос маҳсулот тайёрланаётгани дунё бозорига эркин рақобат қилиш имконини бермоқда. Бойси, ҳар қандай бозорда арзон ва сифатли маҳсулотга талаб юқори бўлади. Енгил соноат соҳасида эришаётган муваффақиятларимиз замирида асосий рағбат — юртимизда кластер тизими ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, барча соҳаларда берилаётган шароит ва имкониятлар ётибди.

Енгил соноат тармоғидаги бундай муҳит янги бозорларга ҳам йўл очаяпти. Бунинг натижасида дунё майдонида ўзбек маҳсулотлари алоҳида брендга айланиб, манамен деган компаниялар товарлари билан ёнма-ён сотилаётгани, қўллаб-қувватларда ўз харидорини топаётгани ҳар биримизга ғурур бағишлайди. Биргина корхонамиз мисолида оладиган бўлсак, айни пайтда тўқимачилик маҳсулотлари “Аҳсан” бренди остида Қирғизистон, Россия, Хитой, Туркия, Украина, Европа давлатларига экспорт қилинапти. Утган йили экспорт ҳажми 5 миллион 600 минг АҚШ доллари ташкил этди.

Албатта, ҳеч бир соҳада муваффақият ўз-ўзидан келмайди, унга эришиш учун изланиш, меҳнат қилиш лозим. Шу боис, доим ўз устимда ишлашга ҳаракат қиламан. Жамоамиз билан бирга халқимиз учун ҳамёнбоп ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни асосий мақсадимизга айлантирганмиз. Жорий йилнинг июнь ойида корхона таркибидан яна бир тўқимачилик фабрикаси — “Аҳсан аппарат” МЧЖ ишга тушири-



либ, унда импорт ўрнини босувчи янги турдаги кийим-кечак маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Қувонарлиси, фабрикамизда тайёрланган маҳсулотлар хорижга ҳам экспорт қилинапти. Ўзбекистоннинг GSP+ преференциялар тизимига аъзо қилиниши биз каби тадбиркорларга Европа бозорига илдам кириб бориш, миллий маҳсулотларимиз экспорт турини ошириш ва харидорлар ишончини оқлашга имкон берапти.

Биз бирор ютукча эришсак, “оиламиз билан бир қаторда маҳалла-қўй, халқимизга нафимиз тегсин”, дейдиган халқимиз. Аҳоли бандлигини таъминлаш мамлакат иқтисодиётининг узвий қисмига айланган бир вақтда маҳалла идоралари иштирокида 30 ёшгача бўлган, “Темир дафтар” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган ишчи ёшларни ишли қилишга интиляпмиз. Тўқимачилик фабрикасининг ўзида ишлаётган

ана шундай ишчилар сони ҳозир 500 нафарга етган. Ишлаб чиқарилаётган кундалик маҳсулотларимиз сони 7 000 тани ташкил этади.

Буларнинг бари олдимга қўйган катта мақсадларимнинг муайян қисми, холос. Ҳали Европа бозорларида ўзбек бренди каби тадбиркорларга Европа бозорига илдам кириб бориш, миллий маҳсулотларимиз экспорт турини ошириш билан урчаушда ваъда берганимдек, иш ўринлари сонини оширишдек эзгу ниятим бор.

Бугун енгил соноат ривожини йўлида тадбиркорларга қатор имтиёз ва имкониятлар берилаётган экан, улардан унумли фойдаланиб, бизга билдирилган ишончини оқлаш, диёримиз фаровонлиги, иқтисодиётимиз ривожига ҳисса қўшишга доим тайёрмиз. Зеро, битта оила ишли бўлиб, ҳаётдан рози яшаса ҳам бизнинг энг катта ютуғимиздир.

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

АЖДОДЛАР МЕРОСИНИ ТАДЖИҚ ЭТУВЧИ НОЁБ ПЛАТФОРМА

Шерзод МАМАТОВ, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази матбуот котиби

Нуфузли халқаро конференцияда Ўзбекистонда кечаётган диний-маърифий ислохотлар буюк алломалар илмий меросини янада кенг ўрганиш имкониятини ошираётгани эътироф этилди.

Илму маърифатда етук цивилизация маркази

Мисрнинг Ал-Азхар ислом тадқиқотлари мажмуаси Бош котиби Муҳаммад Назир Айдя ялпи мажлис муҳокамаларига яқун ясаб, Мовароуннахр мутафаккирларининг улкан хизматлари самараси ўлароқ, бу кутлуғ замин фақат жуғрофий ном эмас, илму маърифатда етукликка эришган алоҳида бир цивилизация макони сифатида ҳам шуҳрат қозonganини таъкидлади. Унинг таъкидлашича, юртимиздан етишиб чиққан олимлар исломий ва дунёвий илмларни бошқача назар ва ўзгача ёндашув билан ўрганиб, оламшумул натижаларга эришган. Инсоният бугунги кунда ҳам ана шу илмларга эҳтиёж сезмоқда.

Ялпи мажлис якунида "Саҳиҳ ул-Бухорий" асарининг жаҳон кутубхоналарида сақланаётган қадимий ва нодир қўлёзма нусхалари" деб номланган тақдирот намойиш этилди.

Шундан сўнг конференция ўз ишини 3 та шўъбага бўлинган ҳолда давом эттирди.

"Саҳиҳ ул-Бухорий" асарининг жаҳон кутубхоналарида сақланаётган қадимий ва нодир қўлёзма нусхалари", "Имом Бухорий илмий мероси ва ҳозирги замон", "Мовароуннахр уламоларининг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси" шўбаларида аллома ҳаёти ва илмий-маънавий меросига доир жами 55 та илмий маъруза тинланди.

Ибратли ҳаёт тарзи тақвонинг олий намунаси

Биринчи хулоса. Ўзбекистон диёрини ислом илмлари маркази сифатида эътироф этиш уринлидир. Ислам дунёсида умумэътироф этилган айни бир ҳақиқат — энг ишончли ҳисобланган олти машур ҳадис тўпламидан тўрттаси Мовароуннахр алломалари томонидан жамлангани бунинг яққол далили. Имом Бухорий эса, ушбу алломаларнинг энг улуғи — муҳаддислар султони эътирофидига ягона зот.

Маъруза фикири Мисрнинг Ал-Азхар ислом тадқиқотлари мажмуаси Бош котиби Муҳаммад Назир Айдя ақидиллик билан тасдиқлади: "Имом Бухорий бутун дунё уламоларининг хурмат ва эҳтиромига сазовор бўлган улғун эродир. Алломанинг 16 йил давомида Пайгамбаримиз алайҳиссалом суннатларига доир энг ишончли ҳадисларни жамлаш учун илм йўлида чеккан заҳмати бир неча ўн қилинган ҳаётига татийди. Унинг шахсияти, ибратли ҳаёт тарзи тақвонинг олий намунаси". Туркиянинг Анкара Йилдирим Бюяид университети профессори Фархат Гўче юқоридидаги фикири давом эттириб: "Менга берилган имкониятдан фойдаланиб, муҳаддислар имоми Муҳаммад ибн Исmoil Бухорий ҳазратларининг хулқу мақоматларига икки оғиз тўхталиб ўтсам. Ул зотнинг ҳаётини ўрганган эканмиз, гўзал хулқи, камтарлиги ва тавозеси барчамизда унинг илмий мероси билан бир қаторда, шахсиятига ҳам чекиз хурмат-эҳтиром уйғотади", дея тўлқинланиб гапирди.

Ал-Азхар ислом тадқиқотлари мажмуаси котибияти мудир Муҳаммад Варданий конференциянинг биринчи хулосасига яқун ясади: "Аллома ўз асарларини юксак даражада масъулия, ровийларга ҳеч бир муҳаддис қўймаган қатъий талаблар билан ёндашиб ёзганини замондошлари такрор-такрор қайд этган. Шу сабабли ҳеч бир ҳадисшунос Имом Бухорийнинг мартабасига эриша олмаган".

Дарҳақиқат, ислом тарихига назар солсак, мусулмон уммати Муҳаммад алайҳиссаломнинг муборақ ҳаёти ва ислом таълимотини синчковлик билан ўрганган. Улар орасида муҳаддислар султони — Имом Бухорийнинг тугган ўрни беқубодир. Унинг "Саҳиҳ ул-Бухорий" тўплами диний аҳоимлар ва ахлоқий кўрсатмаларнинг асосий манбаи сифатида тан олинган. Айна шу эътироф конференция иштирокчиларининг иккинчи хулосасига йўл очди.

Иккинчи хулоса. Имом Бухорийнинг маънавий мероси, хусусан, "Саҳиҳ ул-Бухорий" асари ислом динининг асл моҳиятини, инсонпарварлик ва бағрикенглик ғояларини ўзида акс эттирган муҳим манбадир.

Ҳақиқатан ҳам, муҳаддисликда "саҳиҳ" йўналиши асосини ҳисобланмиш Имом Бухорий минглаб ислом уламоларидан 600 мингдан ортқ ҳадис тўплаб, улар орасидан 7275 та энг ишончлисини саралаб олиб, "Ал-Жоме ас-саҳиҳ" китобига киритган. Маъруза асар ҳадис тўпламлари орасида энг ишонарли ва мукамаллидир.



Кўплаб муаммоларга ечим топадиган ноёб манба

Малайзиянинг Исламни англаш институти илмий ходими Муҳаммад Мустанкир Маликнинг сўзларига кўра, "Саҳиҳ ул-Бухорий"нинг муътабарлиги шундаки, ушбу асар узок ўтмишда ёзилган манба бўлишига қарамай, ундан инсоният бугунги кунда дуч келаётган кўплаб муаммоларга ҳам ечим топиши мумкин. Хусусан, COVID-19 пандемияси тарқалишининг олдини олишда замонавий тиббиёт қўллаётган — "эпидемия ўчоқларига боришдан сақланиш, ижтимоий масофани сақлаш, касалланганларни алоҳидалаш" каби чоралар Пайгамбаримиз алайҳиссалом томонидан тасвир этилганини кўриш мумкин. Имом Бухорий бундан ўз асарига киритиш чоғида келажак авлодларни ўйлаб булуши эҳтимолдан холи эмас".

Нотикиннинг бу сўзлари асарининг бугунги кун учун ҳам долзарб қиймати, айниқса, бутун жаҳон қоронавирус номли кўримида ёв билан курашаётган айни пайтдаги юксак аҳамиятини ҳам тасдиқлайди.

Моҳият жиҳатидан "Ал-Жоме ас-саҳиҳ" тўплами чин маънода Қуръонни қаримдан кейин ислом динининг иккинчи муҳаддис манбаи ҳисобланади. Ҳадис келтириб, унинг манбаси сифатида Имом Бухорий кўрсатиладиган бўлса, унинг ишончлилиги хусусида ҳеч бир шўба қолмайди.

— Имом Бухорий 600 минг ҳадис орасидан энг саҳиҳларини саралаб, уларни иллатилардан халос этган. Содароқ айтадиган бўлсак, буюк муҳаддис ҳадисларни "даволаган", — дейди Туркиянинг Ибн Халдуун университети профессори Мухаммад Аввома.

Умумий жиҳатдан исломни англашнинг икки асосий усули мавжуд бўлиб, улардан асосийси Қуръонни ўқиш ва ўрганишдир. Имом Бухорий асари орқали исломни инъикос этиш яна бир усулдир. Чунки унда Пайгамбаримиз алайҳиссаломнинг энг ишончли суннатлари мужассамдир.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси доценти Махфуза Алимова асарининг юксак қиймати унинг ўқувчи томонидан нисбатан осон ўзлаштирилишида ҳам эканини алоҳида қайд этди: "Олий ишондлик ҳадислар ўрганилар экан, Имом Бухорий танлаган усул нақадар мукамаллигига яна бир бор гувоҳ бўламан. "Саҳиҳ ул-Бухорий" жоме услубида ёзилган бўлиб, ровийлар эмас, мавзулар бўйича китоблар ва болблар ажратилган унинг энг мураккаб, таъбир жоиз бўлса, академик тадқиқот эканини, ўша даврга чамаси қўрилмаган журъат ва шижоат самараси бўлганини намоян этди. Меҳнати шу қадар оғир бўлгани учун ҳам ушбу асар жуда қулай ва осон ўқиб ўрганилади".

Германиялик олимларни ҳайратга солган қўлёзмалар

Конференциянинг иштирокчи меҳмонлари, айниқса, маъруза асар қўлёзмалари сақланаётган мамлакатлар вакиллари улкан тарихий қийматга эга нодир ҳазина айтишларини ватанида жой эгаллаганидан фахр туйнларини билдирдилар. Германиянинг Лейпциг университети профессори Стефани Бринкман сўзларига эътибор беринг:

"Имом Бухорий асарларининг XV асрга оид қўлёзма нусхалари Германиянинг Лейпциг университетида сақланиши биз учун шарофдир. Бу Германиялик олимларни янги-янги изланишларга ундайди. Ўрта асрларга оид ушбу қўлёзма асарларнинг мукамаллиги бизни доимо ҳайратга солди".

Имом Бухорий аждодимиз экани эса, бизга ифтихор бағишлайди. Шунинг учун асарни ўрганиш, ундаги ҳадислар ва улар моҳиятини ёш авлод онгига етказиш, одамлар маънавиятини айнан шу зийнат билан безаш ҳаммадан ҳам кўра биз учун фойда қадри ва алоҳида қийматга эга. Бу эса, конференциянинг учинчи хулосасига асос бўлди.

Учинчи хулоса. Ўзбекистонда миллий ва диний қадриятларни ривожлантириш, тинчликни мустаҳкамлаш, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Таассуф билан айтиш керакки, узок йиллар минтақамизда атеизм бандан макве тутган сиёсий тузум ҳукронлиги даврида муқаддас ислом дини ва унинг намояндаларидан бўлиши улғун тарихий сиймо — Имом Бухорий шахсияти ва фаолиятига ноҳолис баҳо берилди. Бу ўша даврда фан ва жамиятнинг ижтимоий тафаккурини бошқариб турган ҳукмор мафкура талабларидан бири эди.

Шўқлар бўлсинки, Аллоҳ таоло бизга аждодларимиз номи ва уларнинг бой маънавий-маърифий, юксак илмий қийматига "Саҳиҳ ул-Бухорий" каби шох асарларини қайтариб берди. Чунки буюк аждодлар мероси, аввало, унинг бевосита авлодларига тегишлидир. Бунинг учун тарихий асослар етарли.

"Тарихдан биламизки, Ўрта Осиёга ислом динининг кириб келиши уммавийлар даврига бориб тақалади. Ўша йиллардан бошлаб, бу шарофатли заминда исломий ва дунёвий илмлар кенг қўлама ривожланди. Мовароуннахрдан етишиб чиққан олимлар нафақат ислом дунёси, балки бутун жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшганини алоҳида таъкидлашни истардим. Буюк аждодларнинг илмий-маънавий меросини ўрганиш, тадқиқ этиш бугунги кундаги долзарб вазифалардан биридир", деди Малайзия халқаро ислом университети профессори Муҳаммад Саид.

Халқимиз асрлар давомида орзу қилган хайрли амал

Бугунги кунда янги Ўзбекистон диний-маърифий соҳада ислохотларни изчил давом эттириб, ўз фуқароларининг виждон ва эътиқод эркинлигини тўла таъминлайдиган ва исломнинг инсонпарварлик ва тараққиларварлик моҳиятини баралла тарафдан қиладиган мамлакатга айланди. Юртимизнинг бу борада жаҳон миқёсида ошиб бораётган салохияти конференция иштирокчилари томонидан бир овоздан эътироф этилиши билан бирга, ҳамкорликда ҳаётга таъбиқ этилиши лозим бўлган амалий тақлифлар ҳам билдирилди.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон ўз Президенти раҳбарлигида ижтимоий-маънавий жабҳада миллий анъаналарига содиқ қолган ҳолда, илмни рағбатлантириш йўлида шахдам одимламоқда. Биз ислом таълимоти маънавий қадриятларнинг яхлит тизими, муштарак ҳаёт, хулқ-автор ва фикрлаш тарзи деб қабул қиламиз ҳамда шу тарзда ўз ҳаётимизга чуқур соҳибгаримиз. Шунинг учун ислом динининг асл моҳиятини тадқиқ этиш, ундаги эзгуликка йўрилган ғояларни асл маъносидан тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратялмиз. Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг таъкидлаши билан кўзланган асосий мақсад ҳам шу. Бу эса, ниҳоят, конференциянинг охириги хулосасини келтириб чиқарди.

Тўртинчи хулоса. Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази Мовароуннахрдан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирларининг ҳаёти ва илмий меросини тадқиқ этиш, маънун-моҳиятини дунё жамоатчилигига етказишда ўзига хос платформа бўлиб хизмат қилмоқда.

Марказда, одатда, жўшқин баҳс ва мунозараларга бой тарзда ўтадиган бу каби муҳим ва ну-



фузли анжуманларга давомли равишда меъзбонлик қилиш одат тусига кирган. Шу сабаб иштирокчилар марказ фаолияти ва унинг эришаётган ютуқлари тўғрисида кўплаб маълумотга эга бўлдилар.

— Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказини исломий илмий мерос ва, умуман, суннатни муҳофаза қилиш учун таъсис этилган муассаса деб ҳам биламан, — деди Туркиянинг Мармара университети профессори Айше Шехяр хоним.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси профессори Зоҳиджон Исмолов сўзларига кўра, бугунги кунда 33 мамлакатдаги етмишдан зиёд фондда "Саҳиҳ ул-Бухорий"нинг 820 та қўлёзмаси сақланаётгани аниқланган.

Уларнинг нусхаларини жамлаш, тадқиқ этиш ва кенг жамоатчиликка тақдим қилиш Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ва бошқа шундай муассасалар олдида турган долзарб вазифа, халқимиз асрлар давомида орзу қилиб келган хайрли амалдир.

Барча иштирокчилар томонидан Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази Мовароуннахрдан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирлар ҳаёти ва илмий меросини тадқиқ этиш, маънун-моҳиятини дунё жамоатчилигига етказишда ўзига хос платформа вазифасини бажараётгани бирдек қайд этилди. Хусусан, анжуман бу йулдаги хайрли саъй-ҳаракатлардан биридир.



Ўзбекистондаги ислохотларнинг ёрқин натижаларидан мамнунми!

Анжуман қатнашчилари Ўзбекистонда миллий ва диний қадриятларни ривожлантириш, тинчликни мустаҳкамлаш, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш борасидаги ислохотларнинг ёрқин натижаларига юксак баҳо берди.

Иштирокчилар Имом Бухорийнинг бой илмий-маънавий меросини, ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссасини чуқур ўрганиш, аллома асарларини таржима қилиш ва шарҳларини ўрганиш асосида тарбиявий аҳамиятга доир туркум рисолалар чоп этиш, "Саҳиҳ ул-Бухорий" асарининг хориж фондларида сақланаётган қадимий қўлёзмаларни аниқлашни давом эттириш, уларнинг имкон қадар мукамал тўларилган каталогларини яратиш ва халқаро кўрсатмалар таъкид этиш борасида ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан амалий тақлифларни илгари сурдилар.

Шунингдек, улғун аллома ва мутафаккирларнинг илмий-маънавий мероси асосида ёш авлоднинг ёт ва бузғунчи ғоялар таъсиридан ҳимоя қилишга қаратилган халқаро анжуманлар ташкил қилиш, Ўзбекистоннинг диний-маърифий соҳани ривожлантириш, мутаассиблик ва экстремизмга қарши курашдаги ижобий таъриқини оммалаштириш ҳам мақсадга мувофиқ экани таъкидланди.

Юқоридида баён этилганларни инобатга олиб, иштирокчилар томонидан келгусида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, диний-маърифий мавзуларга бағишланган халқаро анжуманлар ўтказиш, Имом Бухорий илмий меросини чуқур ўрганиш, маънун-моҳиятини дунё жамоатчилигига етказиш, аллома қаламига мансуб асарларнинг қадимий қўлёзмаларини авайлаб-асраш ва келажак авлодга етказишга доир тадбирларни ўзаро ҳамкорликда амалга оширишга келишиб олинди.

Анжуман ниҳоясида "Саҳиҳ ул-Бухорий" асарининг жаҳон кутубхоналарида сақланаётган қадимий ва нодир қўлёзма нусхалари" мавзусидаги халқаро конференциянинг якуний баёноти қабул қилинди.

Сўз якунида конференциянинг яна бир иштирокчиси, Қозоғистондаги Абу Ханифа илмий-тадқиқот маркази директори, профессор Шамшиддин Каримнинг анжуман давомида билдирган қуйидаги фикрларини келтириш ўринлидир: "Аллома тўплаган ҳадисларда меҳр-оқибат, инсонпарварлик, ота-она ва катталарга хурмат, Ватанга муҳаббат, ҳалоллик ва бағрикенглик каби фазилатлар, ёш авлод учун тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ўғитлар кенг ўрин олган. Сирасини айтганда, аллома асарлари бугунги кунга қадар мусулмон дунёси учун маънавий-ахлоқий қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади".



"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари тахририяти" ДУК
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 2333.
76851 нусхада босилди.
Ўқувчи ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан бирга "KOLORPAK" МЧЖ босмоҳонасида чоп этилди.
Босмоҳона манзили: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмоҳона телефон: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Муножат Муминова
Муассасис: Ойдин Алмутинова
Дизайнер: Зафар Рўзиев
Манзиллими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
Ўза Яқуни — 21:45 Тошчилриди — 22:20